



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

САНОАТДА ИШЛАТИЛАДИГАН МЕТАЛЛАРНИ КОРРОЗИЯЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ ЎРГАНИШ

Ашурев Муродулло Ҳолбоевич

"Нефть ва газ иши" кафедраси доценти (ҚарМИИ)

Аннотация: Мақолада металлар коррозияси ўрганилади ва уни олдини олиш усувларини тавсия этилади.

Таянч иборалар: Металл, носозлик, H_2S , CO_2 , яроқлилик, бевосиста ва билвосиста

КИРИШ

Металл коррозияси ишлаб чиқаришнинг барча соҳаси учун тиклаб бўлмаса заарлар келтиради, турли хил носозлик, бузилишлар ва аварияларига сабаб бўлади. Буни олдини олиш ана шу заарларини олдини олинади, металларни яроқлилик муддатини оширади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Халқ хўжалигини турли тармоқларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар, жихозлар ва технологик қурилмалар, асосан металлардан тайёрланган бўладилар. Бажариладиган технологик жараёнларни турига ва шароитига қўра, уларнинг биттасини массаси бир неча юз тоннани ташкил қиласди. Масалан, нефт-газ билан таъминлаш тизимида ишлатиладиган намунавий пўлат резервуарларнинг массаси 500 тоннагача бўлади. Фойдаланиш жараёнида ички ва ташқи юзалари коррозия фаоллиги юқори бўлган мухитлар (ер таркибида намлик, тузлар, H_2S , CO_2 бўлган нефт-газ оқими) таъсирида бўладилар ва коррозияланадилар. Ҳосил бўлган коррозия жарохатлари, қурилмаларни тезда ишдан чиқишига олиб келади. Уларни таъмирлаш ёки янгилаш учун, катта миқдордаги пул ва металл сарфи керак бўлади.

Умуман металлар коррозияси халқ хўжалигига каттта зиён келтиради. Буни кўйидаги келтирилган маълумотлардан қўришимиз мумкин.

1. Маълумотларига қўра йил давомида ишлаб чиқариладиган пўлат қотишмаларининг олтидан бир қисми, коррозия натижасида ишдан чиққан металл қурилмаларини, асбоб - ускуналарни, ҳамда уларнинг эҳтиёж қисмларини алмаштириш учун сарфланади. Бу кўрсаткични дуне миқёсида қўрадиган бўлсак, у бир неча миллион тоннани ташкил этади. Бундан



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

күриниб турибиди, бир нечта металл эритучи заводларни йил давомида ишлаб чиқарган пұлат қотишиналари бекорга сарфланади.

2. XX-асрнинг охирига қадар, инсоният томонидан 35 млрд. тоннадан ортиқ пұлат қотишиналари эритиб олинган. Ҳозирги кунда уларнинг дунёдаги умумий күрсаткичи 10 млрд. бұлиб, қолган қисми эса коррозия маҳсулотлари күринишида биосферага тарқалған.

Коррозиядан курилған заарар икки харажатнинг жиғиндисидан ташкил топади, яғни бевосита ва билвосита харажатлардан. Бу харажатларни нефт ва газ қувурлари тизимида күрсак бевосита харажатларга қувур металининг нархи, қувур ва унинг ёрдамчи қурилмаларини қуриш учун сарфланадиган маблағлар киради. Билвосита харажатларга эса, коррозия натижасида қувурларда содир бұлған аварияларни таъмирлаш давомида, улардан фойдаланаётган корхоналарни ишламай турған пайтдаги пул харажатлари, аварияларни бартараф этиш учун сарфланадиган металл ва пул харажатлари, ҳамда тұқилған ёки атмосферага тарқалған маҳсулотлар ҳисобига, атроф мухит компонентларини булғаланиши натижасида содир бұладиган салбий оқибатларнинг қийматлари киради.

Ҳозирги кунда, Республика магистрал газ қувурларининг умумий узунлиги 13*103 км га teng.

Улар коррозион актив михит (тупроқ электролити, дайди токлар, бактериялар) таъсирида иштейдилар. Бундай шароитларда қувурлар коррозияланиб, тез ишдан чиқишилари мумкин. Натижада, юқорида таъкидлаб үтилганидек, катта иқтисодий қийинчиликларни содир этади.

Қувурларда бұладиган коррозиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида, уларнинг ташқи юзаси умумлашған актив ва пассив усууллар ёрдамида химоя қилинади. Ички юзаси эса, коррозияни секинлаштирувчи ингибиторлар ёрдамида химоя қилинади.

Металларни газ коррозияси юқори ҳароратда газлар (O_2) таъсирида содир бұлиб, оксидланиш ва қайтарилиш жараёнлари металл билан газнинг үзаро таъсир чегарасида амалға ошади. Ток үтказмайдын суюқликларда эса, коррозия жараёнлари металл билан суюқликлар таркибидағи коррозион актив олтингугұрт бирикмаларининг (H_2S) үзаро таъсирида содир бұлади.

Кимёвий коррозияларнинг содир бұлиш кинетикасини, металлнинг атмосфера кислороди (O_2) билан оксидланиш мисолида қуйидагича ифодалаш мумкин.

Бу ерда n- реакцияга қатнашаётган металлнинг атомлар сони;

Z- металлнинг валентлиги.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Келтирилган умумиј реакция икки погонада (стадияда) содир бўлади. Биринчи галда, металл юзасига кислород қавати адсорбцияланади.

бу ерда $\text{Me}/2\text{O}$ ёзуви, қаттиқ металл юзасини адсорбцияланган кислород қавати билан қопланганлигини кўрсатади.

Иккинчи галда, металл билан кислород ўртасида кимёвий таъсир (оксидланиш жараёни) содир бўлади. Бунда оксидловчи (кислород) металдан валентли электронларни қабул қиласи ва улар ўртасида кимёвий бирикма (коррозия) маҳсулоти ҳосил бўлади.

бу ерда - коррозия маҳсулоти (металл оксиди).

Реакция давомида ҳосил бўлаётган металл оксидлари, металл юзасида оксид парда кўринишида жойлашиб, кейинги содир бўлаётган реакция тезлигига маълум даражада таъсир кўрсатади. Ҳосил бўлаётган оксид парданинг тузилиши ғоввак кўринишида бўлса, металлнинг кейинги янги қатламларида оксиданиш жараёнлари содир бўлиб, унинг коррозион емирилишини тезлаштиради. Оксид парда тузилиши зич (бутун) кўринишида бўлса, металлнинг кейинги қатламларида содир бўладиган оксидланиш жараёнларини секинлаштириб, уни пассивлаштиради, яъни коррозион емирилишини секинлаштиради.

Металл юзасида ҳосил бўлаётган оксид парданинг ўсиши (ҳосил бўлиши) уч зонада содир бўлиши мумкин :

1. Агар металл ионларини оксид парда орқали диффузион ўтиш тезлиги оксидловчиникидан (O_2) катта бўлса, оксид парданинг ўсиш зонаси, оксид билан оскидловчининг ўзаро таъсир чегарасида содир бўлади .

2. Тескари холатда эса, парданинг ўсиш зонаси, оксидлар қаватини орқасида содир бўлади .

3. Агар металл билан оксидловчи ионларининг диффузион тезлиги бир-бирига яқин бўлса, ўсиш зонаси оксид пардасини ичида содир (жойлашган) бўлади .

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳосил бўлаётган коррозия маҳсулотлари металл юзасида парда кўринишида бўлиб, уларнинг қалинлиги 5 А0 дан бир неча минг ангстремгача бўлади. Ҳосил бўлаётган оксид парда қалинлиги металлнинг турига, атроф-мухит характеристига ва ҳароратга боғлиқ бўлади.

Оксид пардалар қалинликлари бўйича 3-гурухга бўлинадилар:

- Юпқа - кўринмайдиган (қалинлиги 5 дан 400 А0 гача) факат билвосита усуллар ёрдамида аниқланади.
- Ўрта (400 дан 5000 А0 гача) қиздирилганда ранг беради.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

- Қалин (5000 А0 катта) - күринаиди.

Металл юзасида ҳосил бўлган оксид пардаси бутун ва металл билан ёпишқоғлиги яхши бўлса, ҳамда унинг ҳажм кенгайиш коэффициенти металлникига яқин бўлса, бундай оксид парда металлни кейинга бўладиган коррозия жараёнидан ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлади.

Оксид парданинг бутунлиги, инглиз олимлари Пиллинг ва Бедворс таклиф этган критериялар орқали аникланади. Агар металл билан оксидловчидан ҳосил бўлаётган оксиднинг молекуляр ҳажми (v_{OK}), шу бирикмани ҳосил бўлиши учун сарф бўлган металл ҳажмидан (v_{Me}) катта бўлса, парда бутун хисобланади. Акс ҳолатда, парда бутун хисобланмайди ва ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлмайди.

Шундай қилиб, <1 бўлганда, парда бутун бўлмай, ҳимоя қилиш хусусиятига эга эмас.

>1 бўлганда парда бутун бўлиб, металлнинг оксидланишини камайтиради.

Амалий маълумотларга кўра, металларнинг оксид пардалари қўйидаги тенгсизликда энг юқори ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўладилар, яъни

$1 < <2,5$

Агар $>2,5$ дан катта бўлса, парданинг ҳажми бўйича чўзувчи кучланишлар содир бўлиб, бу кучланишлар пардани бутунлигига таъсир қўрсатиб (ёриклар ҳосил қилиб), унинг ҳимоя ҳилиш хусусиятини камайтиради.

Металл оксиди ҳажмини (Vo) металл ҳажмига (VM_{e}) бўлган нисбат қўрсаткичи қўйидаги ифода ёрдамида хисобланади.

=

Бу ерда ок – бирикмани (оксиднинг) молекуляр массаси;

Ме – металлнинг зичлиги;

ок – оксиднинг зичлиги;

т – бирикма молекуласи таркибидаги металл атомларининг сони;

A_{Me} – металл атомининг массаси.

ХУЛОСА

Металл ва металл асбоб- ускуналари ва қувурларнинг яроқлилик муддатини ошириш катта микдордаги ортиқча харажатларни тежаб қолади ва самарадорликни оширади.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

АДАБИЁТЛАР:

- 1.М. В. Кузнецов и др. «Противокоррозионная защита трубопроводов и резервуаров» М. «Недра» 1992.
2. С. Ш. Камолов, С.Ш. Хабибуллаев "Коррозиядан химоя қилиш" фанидан үқув құлланма, ТошДТУ, 2006